*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 25 декабрь
ЯКШАНБА
№ 293 (4.492).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

*ОЧИҚ ХАТГА АКС-САДО*

## ЕРНИНГ СОҲИБИ ЎЗИМИЗ

Биз икки йирик хўжаликнинг оқсоқол раислари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Миразиз Рўзматов ва Маҳмуд Исматовнинг республика пахтакорларига очиқ хатини («Қишлоқ ҳақиқати», 6 декабрь) зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Сабаби аён: илгарилари бунақа мақолаларда ҳақиқий пахтакор учун мавҳум бўлган 50—60 центнерчилик ҳаракатини кенгайтиришга, турсунойчи хотин-қизлар сафини тўлдиришга даъват қилинар, булар эса кишининг меъдасига тегканди. Бошқача айтганда, баландпарвоз чақириқлар охир-оқибатда пахтачиликда қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик иллатлари урчишига сабаб бўлдики, бу пахта меҳри, ишқи билан яшаётган деҳқон учун ғоят қимматга тушди. Мазкур очиқ хатда эса пахтакорларни қувонтирадиган жиҳатлар бир талай. Жумладан унда: «Ватан ўзбек заршунослари пешона тери эвазига, ҳалол-покиза меҳнат билан етиштирилган 5 миллион 350 минг тонна юқори сифатли оқ олтинни қабул қилиб олди... Бу ғалабани эл-юрт орзиқиб кутганди. Зеро, у бизга сув ва ҳаводек зарур, шон-шавкатимиз, ифтихоримиз, қолаверса қут-баракамизнинг барқарорлиги учун ниҳоятда керак эди», — дейилади.

Ҳа, чиндан ҳам бу йилги ғалаба барчага, айниқса қалби пахтасидек оқ, меҳри булоқ деҳқонга жуда-жуда зарур эди. Буни хўжалигимиз мисолида яққол ҳис этиб турибмиз.

Деҳқончилик гашти юксак довон эгалланган куни янада яхшироқ сезилади. Миришкор маррага етиш йўлида қишнинг аччиқ изғиринига ҳам, баҳор инжиқликларию саратон жазирамасига ҳам чидайди. Бироқ кузда план бажарилмаса бундан ёмони йўқ. Яширишга не ҳожат: совхозда 1981 йилдан буён пахта тайёрлаш топшириғи уддаланмасди. Жорий йилдан барча ишчилар мамнун. Биз ҳам эл-юрт кўзига ёруғ юз, очиқ чеҳра билан қараяпмиз. Негаки, партия ва халқ олдида берган сўзимизнинг устидан чиқдик: она-Ватанга 7.600 тонна, белгиланганидан 500 тонна кўп пахта тортиқ этилди.

Бу ютуқ ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Унинг замирида деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати, ғайрат-шижоати, мустаҳкам иродаси ва тажрибаси мужассам. Масалан, ўтган йили жами майдоннинг 30 процентига чигит кенг қаторлаб экилган бўлса, 1988 йилда мавжуд 3.888 гектар ернинг ҳаммасига уруғ 90х20 схемасида қадалди. Шунинг ҳисобига ҳар гектарда 105—110 минг туп кўчат ўстиришга эришдик. Бу — биринчиси. Иккинчиси шуки, олдинлари шўр бир марта ювиларди, бу йил у уч маротаба амалга оширилди. Олтита бўлим қисқартирилиб, уларнинг ўрнига йириклаштирилган бригадалар тузилди. Ҳар бирига 350 гектаргача ер бириктирилди. Иш бригада, оила ва ижара пудрати асосида юритилди. Бу ҳол одамларда ерга нисбатан соҳиблик туйғусини уйғотди. Зеро, очиқ хатда ҳам: «Қарангки, бригада, оила, ижара пудрати пахтакорларнинг табиатига мос тушди», деб бежиз айтилмаган.

Изланишлар, янгичасига ишлаш натижасида Чалабой Асқаров бошлиқ бригадада план 160 процент, Қўшбоқ Жумаев, Ўрол Султонов ва Ўрозали Аҳмедов бошлиқ коллективларда 110—115 процент уддаланди. Ғайрат Муродов, Ғаффор Анорбоев, Суюн Ботиров, Қарши Мирзакелдиев, Ўктам Норбеков бошлиқ звеноларда эса ҳосилдорлик гектар ҳисобига 1,5—2 ҳисса ортди.

Айни кунларда меҳнат аҳли келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирламоқда. Жами майдон сифатли шудгорлаб қўйилган.

Маълумки, шудгорлаш энг оғир, масъулиятли иш ҳисобланади. Шу боисдан тракторчиларнинг унумли ишлашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароит яратилди. Бу масала маъмурият ва партия ташкилотининг диққат марказида турди. Натижада экин майдонларининг ҳаммаси 16 иш кунида қўлдан чиқарилди.

Очиқ хатда: «Ерни даволаш деҳқоннинг қўлида. Унга хўжайинларча, айни пайтда меҳр билан муносабатда бўлиш керак. Бемор тупроқнинг давоси ўзимизнинг қадимий қўлбола маҳаллий ўғит», деб жуда тўғри айтилган. Буни биз ўз тажрибамиздан биламиз. Т. Ботиров бошлиқ унумдорлик отряди аъзолари зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Улар ихтиёрига 2 та юклагич, 4 та тележка ажратилган. Ҳар куни далага 125—130 тонна нури чиқарилмоқда.

Шу билан биргаликда ерни текислаш, шўр ювиш авжида. Беллашувда Чалабой Асқаров ва Қўшбоқ Жумаев бошлиқ бригадалар пешқадам. Уларда ҳозиргача жами майдон бир марта суғорилди. Январь ойида иккинчиси таралади. Сувчилар ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Уларга янги тариф бўйича ҳақ тўланмоқда. Ҳар куни иссиқ овқат тайёрланаяпти.

Олдимизда катта вазифалар турибди. Шубҳа йўқки, совхозимиз меҳнаткашлари қишки тадбирларни намунали ўтказиб, келгуси йилда ҳам юксак марраларни эгаллайдилар.

**М. МАЪМУРОВ,**
**Сирдарё область Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз директори.**
**Ў. НОСИРОВ,**
**бош агроном.**

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НУКУС, 24 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари район ва шаҳар партия ташкилотларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар тавсия қилиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқдилар.

Пленумда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов нутқ сўзлади.



**Бувайда районидаги Калинин номли колхозда Муҳаббат Маҳмудова номини каттаю кичик ҳурмат билан тилга олади. У 26 йилдан буён сут-товар фермасида сидқидилдан ишлаб келаяпти. Ҳалол меҳнати эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар дўстлиги орденлари билан мукофотланган. Моҳир сигирсоғар жорий йилда қарамоғидаги ҳар бир говмишдан 3.500 килограммдан сут соғишга сўз берганди. У ваъдасининг устидан чиқди.**

**СУРАТДА: мусобақа ғолиби Муҳаббат Маҳмудова.**

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотоси.

*Агросаноат муаммолари*

## ҚАЧОН СУТ МЎЛ БЎЛАДИ?

**«Сигирнинг сути тилида» дейишади. Асрлар мобайнида айтиб келинаётган бу халқ мақолига шу қадар кўникиб қолганмизки, «қандай сигирнинг тилида» деган саволни камдан-кам берамиз. Чунки молдан-молни фарқи бор-ку. Баъзи бир молни бўкиб қолгунча боқсанг ҳам кўп сут ололмайсан. Бошқаси эса кам боқилса ҳам челак-челак сут беради.**

**Минг йиллик селекция ишларига ана шу кузатишлар асос қилиб олинган. Инсоният шу вақт ичида қорамолларнинг кўп сут берадиган сермаҳсул зотларини яратган.**

**Шунинг учун ҳам республикага ҳар йили кўп сут берадиган сигирларнинг ўн минглаб бузоғи келтирилмоқда. Мақсад — бу ерда боқиладиган анъанавий зотларни яхшилашдан иборат. Пировард натижада эса подаларни сермаҳсул қилишдир. Ана шу мақсадларга республика йилига ўн миллион сўмлаб пул сарфламоқда.**

**Ажабланарли жойи шундаки, наслчилик ишлари гўё олиб борилаяпти, сўнгги йилларда ем-хашак ҳам анча мўл бўлаяпти, лекин сигирларнинг ўртача маҳсулдорлиги ошмаяпти, ошган тақдирда ҳам шу қадар секинлик билан ошмоқдаки, сут магазинларида навбат кутувчилар сони камаймаяпти, кўпгина шаҳар ва посёлкаларда эса сариёғ топиш тобора қийинлашмоқда.**

**Келинг, мисол учун аҳоли зич жойлашган ва шаҳарликлар сони кўп бўлган Андижон ва Самарқанд областларини олиб, бу масаланинг тагига етайлик.**

### ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ИШ

1983 йилдан бошлаб шу йилнинг 1 ноябрига қадар Самарқанд областига 39,6 минг бош зотли мол келтирилган, бунинг учун хўжаликлар 55,5 миллион сўм сарфлаганлар. Шу даврда андижонликлар 14,8 минг бош бузоқ сотиб олдилар. Бу эса 20 миллион сўмдан кўпроққа тушди. Булар голштин-фриз, қора-ола ҳамда бошқа зотдор моллардир. Областларнинг аҳолиси ана шу ишлардан кейин сут дарёларини ҳосил қилиши мумкин эди. Лекин Статистика давлат комитетининг эҳтирослардан холи маълумотлари ана шу областларда ҳар сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори республикадаги ўртача даражадан камлигини ва Андижон областида 2305 килограммни, Самарқанд областида 2159 килограммни ташкил этишини кўрсатди (бу 1987 йилги маълумотлар, бу йилги маълумотлар ҳали ҳисоблаб чиқилган эмас).

Бунинг устига Андижон областида 39 та хўжалик, Самарқанд областида — 89 та хўжалик ҳар бир соғин сигирдан икки тоннадан ҳам камроқ сут олган. Самарқанд областидаги тўртта хўжаликда эса ҳар сигирдан... минг килограммдан ҳам камроқ сут олинган. Ахир эчки ҳам бундан кўпроқ сут беради.

Ғалати туюлаяптими? Бехабар одамга ғалати туюлади. Хабардор киши эса шу даврда Андижон областида келтирилган молларнинг ҳар тўрттасидан бири, Самарқанд областида эса ундан ҳам кўпроғи нобуд бўлганини айтади. Иккала областда 14 минг бошдан кўпроқ зотли сигирлар ҳаром ўлди, гўштга сўйиб юборилди ва бошқа сабабларга кўра йўқ бўлди.

Ажабланманг, республика Агросаноат давлат комитети коллегияси мажлисига тайёрланган маълумотда «бошқа сабабларга кўра» деб оқ қоғозга қора ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Хўш, бу қандай сабаблар экан? Бўри еб кетганми? Ёки шахсий хўжаликларга ўтиб кетганми? Бу масалани текшириб кўриш керак.

Лекин шунинг ўзи эмас. Хўжаликларда чорва моллар, айниқса сигирлар сони жуда секинлик билан кўпаймоқда. Сигирлар эса тез қисир қолмоқда. Самарқанд областининг Навоий зонасидаги беш та хўжаликда бу рақам 50 процентни ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар юз бош сигирдан элликтадан камроқ бузоқ олинаяпти. Областда ҳаммаси бўлиб шу йилнинг декабригача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 минг бузоқ кам олинди. Натижада сўнгги уч йил ичида областда сигирлар сони 10 процентдан зиёдроқ камайиб кетди.

Аҳвол шундай экан, жамоат подасининг бир ёқлама структурасидан ажабланиш керакми? Иккала областда ҳам қорамоллар орасида сигирлар салмоғи камайиб, ҳозир ўртача 25 процентни ташкил этмоқда. Ургут районидаги Карл Маркс номли ва «Октябрь», Андижон районидаги Ленин номли ва бошқа баъзи колхозларда ўнта новвосга битта сигир тўғри келади. Ахир, буқа сут бермайди, болаламайди ҳам.

Маҳсулдор молларни сотиб олишга сарфланган халқ пули шу тариқа шамолга совурилмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, подада зотли молларнинг салмоғи кўпаймаяпти.

### ЗОТЛИ МОЛЛАР ҚАНИ?

Чиндан ҳам қани? Моллар кўплаб нобуд бўлаётганига қарамай, жамоат подаси ҳар йили биринчи класс ғунажинлар билан тўлдириб борилмоқда. Областларда давлат наслчилик корхоналари ишлаб турибди. Уларда ҳам, хўжаликларда ҳам зотли молларни кўпайтириш билан шуғулланиш лозим.

Шуғулланиш лозим, лекин шарт эмас. Юз берган аҳволни фақат шундай изоҳлаш мумкин. Наслчилик хўжаликларидагина эмас, барча хўжаликларда сунъий урчитиш пунктлари ташкил этилган. Улар энг яхши буқалар уруғи билан таъминланмоқда. Бу буқалар лактация давомида саккиз минг килограммгача сут берган сигирлар авлодидан. Зотдор ғунажинлар ва сунъий урчитиш пунктларига эга бўлган хўжаликлар бир неча йил давомида бутун подани янгилаб, зотини яхшилаб олишлари мумкин.

Аммо бундай бўлмаяпти. Наслчилик хизмати мутахассислари ишни тегишли даражада ташкил қила олишмаяпти. Мана сизга оддий бир мисол: Навоий районидаги «Зарафшон» колхози фермасида йил бошида 265 сигир, 76 та икки ёшдан ошган ғунажин ва 119 бош ҳали икки ёшга етмаган ғунажин бўлган. Бу ерда сунъий урчитиш пунктини четдан келган мутахассисларга ғурурланиб кўрсатишади. Лекин бу мутахассисларнинг бирортасида ҳам: бу ерда шунча катта ғунажин қаердан пайдо бўлди? Бу урчитиш пункти «Потёмкин қишлоқлари»ни эслатмайдими? — деган савол туғилмади.

Бу ерда чорва моллар наслли сигирларга ва подани тўлдирадиган ғунажинларга ажратилмаган экан, қандай наслчилик иши ҳақида гап бўлиши мумкин? Фермада 9 та буқа сақланмоқда, уларнинг зотини аниқлаш қийин. Шундай бўлса урчитиш пунктининг нима кераги бор, осменатор нима учун иш ҳақи олмоқда? Турли ёшдаги бузоқлар бир групада боқилаяпти.

Фермадаги озуқа цехи ишламайди. Молларга рацион кўз билан чамалаб бериладн. Мана бунинг натижаси: гўштга топшириладиган молларнинг ўртача вазни 288 килограммни, сўқимга боқилаётган молларнинг бир кунда семириши 215 граммни ташкил этмоқда. Қанча сут соғиб олинаётганлиги ҳақида гапиришга уяласан киши.

Қани энди бошқа жойларда аҳвол яхшироқ бўлса. Баъзан колхоз мутахассислари аҳвол ёмонроқ бўлиши учун атайлаб шундай қилишаётгандек туюлади. Масалан, Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхозда, Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхозида зотли буқалар уруғи бўла туриб, молларни кўпайтириш учун зоти ноаниқ буқалардан фойдаланилган.

Олтинкўл районидаги Калинин номли колхозда швиц зотли моллар голштин-фриз зоти уруғи билан урчитилган, Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхозда эса швиц зоти шу тариқа қора-ола ва Литва қизил қорамол зоти билан чатиштирилган.

Аввало колхоз мутахассислари малакаси пастлиги сабабли ана шундай ҳоллар юз бермоқда. Уларнинг билим савияси ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Давлат наслчилик корхоналарининг мутахассислари ҳам улардан қолишмайдилар. Ахир улар чорва моллар зотини «адаштириб қўйиб», швиц зотли моллар боқилаётган хўжаликларга голштин-фриз зотли моллар уруғини юборишмоқда.

Наслчилик мутахассисларининг малакасини қуйидаги фактлар кўрсатиб турибди. Агросаноат давлат комитетининг мутахассислари ўтказган текшириш Андижон ва Самарқанд областларидаги наслчилик заводлари ва наслчилик фермаларида ҳам бузоқларни боқиш рациони планлаштирилган ўстириш ва ривожлантиришга мос келмайди. Чунончи, Бўз районидаги Карл Маркс номли колхознинг наслчилик фермасида бир ёшар бузоқларнинг ўртача тирик вазни 180 килограмм, 18 ойлик бузоқларнинг тирик вазни эса 210 килограмм келмоқда.

Кўпгина наслчилик хўжаликларида чорва моллар маҳсулдорлиги кўпаймаяпти, балки камайиб кетаяпти. Самарқанд областидаги «Пайариқ» совхозида ҳар бош сигирдан йилига икки тоннадан кам сут олинаяпти. Умуман наслчилик фермаларида ҳар бош сигирдан олинган сут 2709 килограммни ташкил этди ёки олдинги йилдагидан 52 килограмм кам бўлди. Ҳар юз бош сигирдан областдаги ўртача даражадан кам бузоқ олинаяпти.

### ОҚ ЧАШМА ҚУРИБ ҚОЛМАСИН

Бу аҳвол давом этаверадиган бўлса, сут дарёлари ҳеч қачон пайдо бўлмайди. Республика ҳукумати бу масала билан илгари ҳам шуғулланган. Ўзбекистон Агросаноат давлат комитетининг коллегияси бир ярим йилдан олдинроқ, бу масалани кўриб чиққан эди. Ўшанда давлат наслчилик корхоналарининг раҳбарларига танбеҳ берилган эди. Хўш, шундан кейин нима бўлди? Ҳеч нарса бўлгани йўқ...

Аҳвол заррача ўзгаргани йўқ. Коллегиянинг қарори район агросаноат бирлашмаларига ва хўжаликларига етказилмади, Андижон область агросаноат комитетида эса ҳатто кўриб ҳам чиқилмади.

Шундай экан, наслчилик ишлари ночор аҳволда қолганидан, сунъий урчитиш пунктлари ишламаётганидан, наслчилик фермалари бузоқларни аниқ мақсадни кўзлаб боқмаётганлигидан ажабланмаса бўлади.

Бизнингча, бу ўринда ҳамма иш инсон омилига бориб тақалмоқда. Андижон область наслчилик корхонасининг раҳбари А. Усмонов билан Самарқанд область наслчилик корхонасининг раҳбари А. Кузмичевдан ишни йўлга қўйишни қаттиқ талаб қиладиган вақт келмадимикин? Ахир уларнинг принципсизлиги ва йўл қўйиб бериши, камчиликларга муросасозлиги оқибатида уларнинг қўл остидаги мутахассислар хўжаликларга амалий ёрдам беришмаяпти.

Бундай ёрдам берилмас экан, сут булоқлари дарёга айланмайди.

**Ю. БОНДАРЕНКО,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

### БОЁВУТ

**Шу кунларда «Коммунизм» колхозида келгуси йил ҳосилига мустаҳкам тамал қўйилмоқда. Беллашувда А. Берднев, Ю. Эгамбердиев, Ҳ. Эшназаров, М. Мелибоев бошлиқ бригадалар байроқдор. Бу коллективларда жами майдон аллақачон сифатли шудгорлаб қўйилган. Айни пайтда маҳаллий ўғит жамғариш, сув шохобчаларини тартибга келтириш, шўр ювиш жадал бормоқда. Ҳозиргача колхоз бўйича дала бошига 4.500 тоннадан кўпроқ нури чиқарилди.**

Й. БОБОЕВ.

### МУБОРАК

**Санақул Ҳақбердиев қарийб 20 йилдирки, Жданов номли совхознинг 6-бўлимида бригада бошлиғи. Чўл ўрнида ажойиб токзор барпо этилди. Жорий йилда эл дастурхонига 50 тонна ўрнига 53 тонна ширин-шакар узум тортиқ қилинди.**

**Шу кеча-кундузда соҳибкорлардан Қаюм Турдиев, Маҳманиёз Пирниёзов, Бўта Арслонов ва Хуррам Пирбеков мусобақа асосида меҳнат қилишаяпти. Токлар агротехника қоидаларига биноан кесилиб, кўмиб қўйилди. Маҳаллий ўғит жамғариш, ариқ-зовурларни тозалаш авжида.**

А. МУСТАФОЕВ.

### ИЗБОСКАН

**«Октябрь 50 йиллиги» совхози заршунослари қишки тадбирларни намунали ўтказмоқдалар. Мавжуд 4.200 гектар майдон ғўзапоядан тозаланиб, чуқур ва сифатли ҳайдалди. Шудгорлаш олдидан пайкалларга тегишли миқдорда маҳаллий ҳамда минерал ўғит солинди. Айни кунларда техника ремонти, гўнг тўплаш, сув йўлларини тартибга келтириш эътиборда. Бу юмушлар Қўчқорбой Матюсупов, Усмонжон Маматқодиров, Қосимжон Кўкиев бошлиқ бригадаларда жадал бормоқда.**

**Правление ва партия комитети далада ишлаётганлар тўғрисида ғамхўрлик қилишаяпти. Иссиқ овқат тайёрланмоқда. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилаётир.**

М. ТЎХТАНАЗАРОВ.

### ЯККАБОҒ

**«Шарқ юлдузи» колхози деҳқонлари конференция йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Асосий тармоқ — пахтачиликда катта ютуқ қўлга киритилди: 971 гектар майдондан 2.520 тонна ўрнига 3.232 тонна оқ олтин етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 33.3 центнерни ташкил этди. Топшириқ 128,2 процент уддаланди.**

**Меҳнат аҳли 1989 йилда бу ғалабани янада мустаҳкамлаш, гектар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қишки дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказишаяпти.**

Ш. МАҲМУДОВ.

## АРМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

ЕРЕВАН, 23 декабрь. (ТАСС). Бугун Арманистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлди. Унда партия ва совет органларининг зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан олиб бораётган ишлари, республикада миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш борасида биринчи галдаги тадбирлар, СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик муносабати билан партия ташкилотларининг ташкилий ва оммавий сиёсий ишлари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

## ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

**Тошкент областида иқтисодий, илмий, маданий имкониятлар Ўзбекистонда энг кўп тўпланганлиги шубҳасиздир. Лекин ана шу имкониятлардан иложи борича самарали фойдаланилаяптими? Қайта қуриш ҳозир зарур бўлган даражада ниҳоят жадал олға силжишига қандай эришиш керак? Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари саноатнинг ҳамма тармоқларида, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган катта-катта резервларни ишга солишлари учун нима қилиш керак? XXIII Тошкент область партия конференцияси делегатлари ана шу мураккаб саволларга коллектив бўлиб жавоб топишга ҳаракат қилдилар. Конференция 24 декабрь куни ўз ишини тугатди.**

Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимовнинг ҳисобот докладида ва делегатларнинг нутқларида ўтган уч йил ичида бажарилган ишлар қониқтирмаётганлиги очиқ-ойдин кўриниб турарди. Шубҳасиз, дастлабки муваффақиятларга эришилди, буни область меҳнаткашлари ўз тажрибаларида ҳис этмоқдалар. Лекин бу муваффақиятлар коммунистларнинг ҳал этилмаган муаммолар бир мунча кўпроқ эканлигини аниқ тушуниб олишларига халақит бермади. Масалан, Озиқ-овқат программасини олайлик. Область қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари энг муҳим турларини етиштириш планларини муттасил бажармоқда. Аммо аҳолини маҳсулотлар билан таъминлаш проблемаси ўткирлигича қолмоқда, гўшт, сут, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажми амалда кўпаймаяпти. Уй-жой қурилишида, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда кўп камчиликлар бор.

Область партия ташкилоти, нотиқлар уқтирганидек, ҳозирча шу куннинг энг муҳим вазифаларини бажариш учун кучларни бир ерга тўплай олмади, коммунистлар қайта қуриш жараёнига, область социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга етарлича таъсир қилмаяптилар. Куни кеча сарфланган куч-ғайратлар бугун етишмай қолаётганлиги равшан, ҳар бир партия ташкилоти демократияни ривожлантиришга, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга ўз ҳиссасини кўпайтириши лозим. Коммунистларнинг бурчи — сиёсий раҳбарликни амалга оширган ҳолда, область меҳнаткашларини янги-янги ютуқлар сари бошлашдан иборат.

Тошкент область партия конференциясида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

* * *

Сирдарё область партия конференциясида докладчи— область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков, музокараларда сўзга чиққан кишилар ҳисобот даврида рўй берган ижобий ўзгаришларни қайд этиб, кўпроқ ҳал этилмаган муаммоларга тўхтаб ўтдилар. Улар шу муаммоларни таҳлил этиб, корхоналар, колхозлар ва совхозларни бундан буён ҳам иқтисодий ва социал ривожлантириш йўлларини аниқлаб олдилар. Сирдарё областининг йириклаштирилиши, бир қанча районларни бирлаштириш ва йириклаштириш бошқарув структурасини такомиллаштиришга таъсир этгани уқтирилди. Жумладан, бошқарув аппарати 45 процент қисқарди.

Шу билан бирга ҳали анча муаммолар сақланиб қолмоқда. Ҳисобот даврида қурилиш суръатлари 10 процент кўпайганига қарамай, битмаган қурилишлар ҳажми деярли ярим миллиард сўмга етди. Ҳар уч корхонанинг биттаси план ва шартномавий мажбуриятларни уддалай олмаяпти. Янги техникани жорий этиш планлари бажарилмаяпти, қўл меҳнати ҳиссаси ҳали ҳам кўп. Корхоналарда 21,5 миллион сўмлик ўрнатилмаган ускуналар йиғилиб қолди.

Қишлоқ хўжалигида оила ва ижара пудрати яхши жорий этилмаётир. Гарчи область умуман пахта топшириш йиллик планини бажарган бўлсада, тўртта район ва 28 та хўжалик топшириқни уддалай олмади. Бу масалаларга раҳбар коммунистлар жиддий эътибор беришлари талаб этилади, деб таъкидланди конференцияда.

Делегатлар ташкилий-партиявий, идеологик ишларни, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш юзасидан кўпгина конкрет таклифлар айтдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

